



**Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!**

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

**Кун ҳикмати**

Раҳбарнинг  
вазифаси  
ходимларга иш  
буюриш эмас,  
уларнинг унумли  
ишлашига  
шароит  
яратишдир

1913-yil aprel oyidan chiqqan boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 31-iyul, shanba, 84 (23.520)-son

## Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

### Кенгашга ҳисобдорлик масъулияти

**30 июль куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўттиз саккизинчи сессияси ўтказилди.**

**Сессия ишини Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Э.Турдимов бошқарди. Депутатлар сессия кун ва иш тартибини, котибни тасдиқладилар.**

**МУРОЖААТГА МУНОСАБАТ  
ЎЗГАРИШИ КЕРАК**

Сессияда дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятдаги Халқ қабулхонаси мудири М.Турдиевнинг жорий йил 8 ойи давомида вилоятдаги секторлар ва ташкилотларда аҳоли мурожаатлари ва муаммолари билан ишлаш ҳолати юзасидан ахбороти тинланди.

Қайд этилишича, давлат раҳба-

рининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон қарори билан тасдиқланган "Туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларнинг ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги Низомда белгиланган вазифалар секторлар ва айрим давлат ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан лозим даражада бажарилмаган. Бунинг оқибатида Халқ қабулхона-

ларига кўплаб мурожаатлар тушган. Жумладан, Иштихон тумани Халқ қабулхонасида 1036 та, Ургут туманида 1106 та, Оқдарёда 1016 та, Паст Дарғом тумани Халқ қабулхонасида 958 та мурожаат қайд этилган.

Секторлар кесимида кўрайдиган бўлсак, 1-секторлар ҳудудидан 3911 та, 2-сектордан 3050 та, 3-сектордан 4004 та ва 4-сектордан жами 2915 та мурожаат келган.

Мурожаатларни қаноатлантириш даражаси таҳлил қилинганда бу кўрсаткич Каттақўрғон шаҳридан 48,5 фоизни, Қўшработда 45,5, Булунғур туманида 44,5, Жомбойда

43,1 фоизни ташкил этгани маълум бўлди.

М.Турдиев ўз ахборотида сектор раҳбарларининг жойларда ўтказган мурожаатларни ҳал қилиш, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ҳамда "Ёшлар дафтари" билан ишлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилганини таъкидлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллий кенгашларда секторлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитганда, ушбу масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди.

(Давоми 2-саҳифада).



### Давлат Бобонов Самарқанд тарихида илк олимпиада медалини қўлга киритди

Самарқанд дзюдо мактаби тарбияланувчиси Давлат Бобонов Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилаётган олимпиада 90 килограмм вазн тоифасидаги баҳсда туркиялик рақиби Майкл Зганкни мағлубиятга учратди ва бронза медалига сазовор бўлди.

Д.Бобонов қўлга киритган бронза медали Самарқанд тарихида олимпиадада эгаланган илк медал сифатида тарихда қолади.

Самарқанд олимпия захиралари коллежи собиқ тарбияланувчиси Давлат Бобонов 2015 йилдан буюн дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси ҳисобланади. 11 йил устози Нурали Қобилов қўлга киритган медалга қўшма қўлини қўшди. Утган йили Германияда ўтказилган катта дубулга беллашувида олтин медални қўлга киритиб, республикада "Йилнинг энг яхши спортчи-

си" деган номга сазовор бўлган. Биз бундай тарихий воқеани яқинлари билан баҳам қўриш мақсадида қаҳрамонимизнинг отаси - Навоий вилоятининг Нурота туманида яшовчи Ҳусниддин Бобоновга кўнгироқ қилдик.

Барча учун фарзандининг ғалабасини кўриш энг катта бахт, - дейди Ҳ.Бобонов. - Бу ғалаба ўғлимнинг орзуси эди. Давлатнинг курашга меҳри 6 ёшидан бошланган. Бу қизиқиш унга отамдан, яъни бобоси Жиянмурод полвондан ўтган бўлса ҳам, Нуротада амакиси Шаҳобиддин Бобонов қўлга киритган медалга қўшма қўлини қўшди. Утган йили Германияда ўтказилган катта дубулга беллашувида олтин медални қўлга киритиб, республикада "Йилнинг энг яхши спортчи-

Ҳусан ЭЛТОЕВ.

### Мурожаатлар халқ кайфиятининг индикатори

улар ижросига бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

**Вилоят ҳокимлигида видеоселектор шаклида ташкил этилган ўқув-семинарда шундай фикр билдирилди.**

Вилоят ҳокими Э.Турдимов олиб борган семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятдаги Халқ қабулхонаси мудири М.Турдиевнинг жорий йил 8 ойи давомида вилоятдаги секторлар ва ташкилотларда аҳоли мурожаатлари ва муаммолари билан ишлаш ҳолати юзасидан ахбороти тинланди.

Давлатимиз раҳбари бежиз аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими бўйича алоҳида йиғилиш ўтказгани йўқ, - деди Б.Исмолов. - Бу масала одамларимиз кайфиятини, қаерда иш қандай ташкил этилганини ва ишловлар нечоғлик амалга ошири-

лаётганини кўрсатиб берувчи индикатор.

Айни шу сабабли, энди мурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида рейтинг юритилади.

Муаммолар қандай ҳал этилади?

Семинарда қайд этилишича, виртуал ва Халқ қабулхоналарига мурожаатлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 баравар кўпайган. Бу бир томондан фуқароларнинг фаоллиги ошгани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан мутасаддиларнинг масъулияти пасайганини ҳам кўрсатади.

Негаки, мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда одамлар иш ҳақи, коммунал хизмат ва мажбурий ижро ҳаракатлари юзасидан мурожаат қилмоқда. Аммо давлат ташкилотларининг фаолиятдан қониқмаслик ёки норозилиги баён қилинган ариза ва шикоятлар ҳам улардан кам эмас. Шу боис, ҳар бир шаҳар ва туманда аҳоли

мурожаатлари билан ишлаш бўйича алоҳида штаблар ташкил қилинади. Зарур шарт бirlлиги ва шарт-шароит билан таъминланган штаблар ҳудудий раҳбарлар билан мурожаатларда кўтарилган масалалар ечими чораларини кўради. Бундай имконият бўлмаган муаммоларни вилоят штабига етказилади. Ўз навбатида юқори турувчи штаб вилоят даражасидаги мурожаатларни тегишли бошқарма ва ташкилотлар орқали ҳал қилади, заруратга қараб республика штабига йўналтиради.

Семинарда қайд этилганидек, шаҳар ва туман штабларида мурожаатларни туну кун ва ижтимоий тармоқлар орқали қабул қилиш йўлга қўйилади. Маҳаллий Кенгашларда ҳудудда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳолати ҳар чоракда муҳокама қилиб борилади.

(Давоми 2-саҳифада).

## Тадбиркорлардан ташаббус

**Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлар маслаҳат жамоатчилиги кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.**

Жорий йилнинг июнь ойида вилоят ҳокими ва бир гуруҳ тадбиркорлар ташаббуси билан 32 нафар етакчи ишбилармонлардан иборат таркибда ташкил этилган мазкур кенгаш ўз олдига Самарқандда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, вилоятга кўпроқ инвестиция жалб қилиш, ишбилармонларни қийнаётган масалаларга ечим топиш каби мақсадларни қўйган.

Бундан бир ой олдин ўтказилган дастлабки таъсис йиғилишида тадбиркорлар томонидан иккита таклиф билдирилган эди, - дейди тадбиркорлар маслаҳат жамоатчилиги кенгаши раиси Ҳайдар Ҳоқов. - Яъни, трикотаж учун ҳозирда четдан келтирилаётган фурнитурга маҳсулотларини маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш ва қишлоқ жойларида кўп қаватли уйлар қурилиши учун зарур инфратузилма яратиш билан боғлиқ эди. Ушбу таклифлар ўрганиб чиқилиб, айни пайтда уларни амалга ошириш бўйича ишлар бошлан-

ди. Келишганимиздек энди ҳар ойда учрашиб, ўз таклиф ва ташаббусларимизни билдиришимиз юзга келаётган муаммоларга биргаликда ечим топамиз. Йиғилишда кенгаш аъзолари экспортбоп, янги турдаги sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ҳудудларни маълум бир қишлоқ хўжалик эканлиги парваришлаганига иxtисослаштириш, замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш ва уларни ишлаш оладиган мутахассисларни тайёрлаш, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш юзасидан ўз таклиф ва ташаббусларини айтди.

**Шавкат ШАРИПОВ, "Шарқ sanoat" концерни таъсисчиси:**

- Биз ўтган йил Каттақўрғонда экспортбоп кулпуннай етиштиришни йўлга қўйдик, бу ишни шу ҳудуд одамлари бажарди. Улар бу ишнинг ҳадисини олди. Бу аҳоли учун ҳам, биз учун ҳам манфаатли бўлди. Энди вилоятнинг бошқа ҳудудларида, масалан, Жомбойда малина етиштиришни йўлга қўймоқчимиз. Бунинг учун Сербиядан

мутахассис олиб келганимиз ва у ҳозир жойларни ўрганоқда.

Бугун қишлоқларимизда аҳоли бандлигини таъминлаш долзарб масала бўлиб турибди. Шунинг учун корхоналаримизни фақат шаҳар ёки туман марказларида эмас, олис қишлоқларда ҳам ташкил этишимиз керак. Ўзимизнинг мисолимизда айтсам, бугунги кунда Иштихон, Оқдарё туманларида очилган текстил корхоналаримиз самарали ишлаяпти. Бу йил шундай корхонани Қўшработ туманида ташкил этмоқчимиз ва унда 500 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

**Жамшид ҲАЙДАРОВ, вилоят ҳокимининг sanoat бўйича ўринбосари, "Ургут" ЭИЗ дирекцияси раҳбари:**

- Ҳозир кўп корхоналарда хориждан келтирилган технологиялардан фойдаланамиз. Уларда бирор носозлик юзга келса, иш тўхтаб қолади. Сабаби, бу ускуналарнинг асосий эҳтиёт қисмлари ўзимизда йўқ, хориждан келтираемиз. Шунинг учун бундай эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимиз керак.

Эътибор қаратишимиз керак бўлган яна бир масала - ўрта бизнесни ривожлантириш. Биз яқинда ушбу масала бўйича хорижга бориб тажриба ўрганиб келдик. Бир қатор таклиф ва лойиҳалар ишлаб чиқарганимиз ҳамда уни биргаликда амалга ошираемиз. Шунингдек, бу борада тажриба алмашиш

учун бир гуруҳ тадбиркорларимиз билан хорижга ишчи сафарни уюштириш режамиз бор.

**Камол АБДУЛЛАЕВ, "Sam Antep Gilam" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси:**

- Бугунги кунда ҳар биримизнинг ишонган, суянадиган яхши мутахассисларимиз бор. Улар замонавий фикрлайди, ички ва жаҳон бозоридидаги вазиятдан



яхши хабардор ва қайси бизнесни, тадбиркорлик фаолиятини қачон амалга ошириш ҳамда бу ижобий натижа беришини яхши билади. Кенгаш қошида ана шундай мутахассислардан иборат гуруҳ ташкил этиб, янги лойиҳалар ишлаб чиқишимиз, уларни биргаликда амалга оширишимиз ёки ёш тадбиркорларни бу ишга жалб қилишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

**Зафар ТўРАЕВ, "BigStoryBuilding" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси:**

- Бугун аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш ҳар қачонгидан

ҳам долзарб бўлиб турибди. Давлатимиз ушбу соҳа учун жуда катта маблағ йўналтирмоқда. Лекин биз ҳам бу ишга ҳисса қўшсак яхши бўларди. Агар давлат томонидан имтиёзли кредит ажратиб берилса бизнинг корхонамиз вилоятимизнинг тиббий хизмат даражаси паст бўлган қишлоқларида замонавий тиббиёт муассасалари қуриб, жиҳозлаб беришга ва бу масканларни давлат ихтиёрига ўтказиб беришга тайёримиз. Кредитни кейин ўзимиз ёпаверамиз.

Бундан ташқари, кенгаш қошида жамғарма ташкил этиб, ҳар биримиз маблағ жалб этсак бунинг ҳисобидан янги иш бошлатган тадбиркорларга қўмақлашиш, истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш имкониятимиз кенгайди.

Шунингдек, йиғилишда "Самарқанд консерва" қўшма корхонаси раҳбари Файзулла Зиёев, "Кумуш тола" хусусий корхонаси раҳбари Марям Ниёзова мактаблар битирувчиларига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, "Ургут sanoat сервис" оилавий корхонаси таъсисчиси Мажибхон Исмолов маҳаллаларда ишлаб чиқариш кооперативлари ташкил этиш юзасидан ўз таклифларини баён этди. Бошқа тадбиркорларнинг ҳам ташаббуслари эшитилиб, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

- Соҳанинг ичида юрган одамга ҳамма нарса аён, мана



қанча ташаббус ва таклифлар айтилмоқда, - деди йиғилишда иштирок этган вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов. - Энди гап уларни амалга оширишда. Ҳокимликлар ва бошқа давлат органлари томонидан қандай қўмақ, шароит зарур бўлса, биз яратиш берсангиз, ҳудудлар ҳокимларини, тегишли соҳалар раҳбарларини ҳам қақариб, масалаларни биргаликда муҳокама этаемиз. Мақсадимиз бир - вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш.

Кези келганда бир таҳлилга эътиборингизни қаратмоқчиман. Маълумотларга кўра, айни пайтда вилоятимизда давлат рўйхатидан ўтган мебель, қоғоз ва қоғоз маҳ-

сулотлари, полимер ва пластмасса, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 2104 корхонадан 555 таси фаолият кўрсатмаяпти. 63 таси тугатилиш жараёнида.

Нима учун бундай ҳолат юзга келмоқда? Тадбиркор катта сармоя эвазига келтирилган технологиясини нега ишлатолмаяпти? Нега инвестицион дастурларда белгиланган ишлар тўлиқ амалга оширилмади?

Шу каби саволлар барча тадбиркорларимизни ўйлантириши, бунга биргаликда ечим топишимиз лозим.

Кенгаш йиғилишида тадбиркорлар томонидан билдирилган таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ғ.ҲАСАНОВ,  
А.ИСРОИЛОВ (сурат).



**24** **ЎЗБЕКИСТОН**  
**ОКТАБРЬ 2021 йил** **ПРЕЗИДЕНТИ**  
**САЙЛОВИ**

Тошкентда "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Тахдидлар ва имкониятлар" мавзусида ўтказилган анжуман жараёнини кузатиб, қалбим тўлқинланиб кетди.

# Элларни маърифат бирлаштиради

Ўзбекистон кейинги йилларда геоиктисодий, геомаданий ҳамкорликнинг чинакам ташаббускори ва ташкилотчиси айланмоқда. Президент Ш.Мирзиёев бу халқаро конференцияда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, тилимиз ўхшаш, динимиз битта бўлгани боис бу минтақа аҳолиси азалдан ўзаро бирдамликда яшаб келган. Шу сабабли тарихимизни ўрганишимиз бизни бир-биримизга янада яқинлаштиради, иқтисодий шерикликка, ишончга йўл очади. Сўзининг исботи учун битта мисол келтириб ўтаман.

Бобом, буюк маърифатпарвар Саидризо Ализода меросини ўрганиш мақсадида у кишининг ўз вақтида мақола ва китоблари етиб борган Осиё давлатлари мутасаддилари билан алоқа боғладим. Туркия, Озарбайжон, Ҳиндистон, Эрон кутубхоналаридан анча-мунча кўләзмалар, маълумотлар олдим.

Покистонда эса мени Покистон Ислам уни-верситети ректори Ҳасан Махмуд Абдул Латиф Шафийнинг ўзи қабул қилди. Университет бой кутубхонасидан жадид бобомнинг Ислам дини ва фалсафасига, тарихига оид қимматли асарларидан нусхалар берди. Маълум бўлишича, бу асар дин тарихи бўйича энг ишончли маълумотларга эга бўлиб, ундан Покистон миллий мадҳияси кўплаб дарсликларда фойдаланилган экан.

Мени ҳайратга солгани шуки, Осиёнинг қайси давлатига бормай, у ердagi зиёлилар муштарак тарихимизни ўрганиш учун хайрихоҳлик билдиришди. Демак, улар Ўзбекистон зиёлилари билан ҳамкорлик қилишни исташади. Биз ана шу имкониятдан, мойилликдан унумли фойдаланишимиз лозим. Бу яқинлик эса келгусида тижорат, иқтисодий соҳасидаги мустақим ҳамкорликка йўл очади. Мухими, шонли тарихимиздаги бирдамлик анъанасини давом эттирамиз.

Фарҳод АЛИЗОДА.

Жасорат – ҳамма қила олмайдиган ишни мардлик, до-вюраклик ва шиддат билан ижро этиш. Бир пайтлар Оноре де Балзак "Фуқаролик жасоратининг ҳам, ҳарбий жасоратининг ҳам келиб чиқиш манбаи бир" деганда минг карра ҳақ эди. Негаки жасоратнинг манбаи – аниқ мақсад ва фидойилик. Кези келганда сабр ҳам жасоратдир.



Келинг, гапни оммавий жасоратдан бошлайлик. Кўпчилик жасорат деганда урушда душманга қарши дадил боришни, жамиятда эса ҳаётдаги иллатни баралла айтишни тушунади. Бу ҳолат истаимизми-йўқми, турмушда ноҳақ зарбага дуч келган, ҳимоя тополмаган кишиларда рўй беради. Бу жамиятнинг барча босқичларида, ҳамма давлатлар учун ҳам табиий ҳол.

Аммо халқ жасорати ҳамма вақт ҳам инкилоб, номойиш билан белгиланмайди. Бундай жасорат миллат бирлигида, ибратли анъана, урф-одатнинг давомийлигида кўзга ташланади. Мисол учун, Хитойда ишлаган одам шуҳратга ҳам, даромадга ҳам домонгир бўлмайди. Ҳиндистонда менга уй-жой, имтиёзга эришган, деган даъвогар йўқ. Японияда ҳеч ким бир-бирига баланд овозда гапирмайди. Немислар вақтни бехудага сарфламайди. Буни чинакам халқ

жасорати дейиш мумкин. Бу – маънавий жасорат! Маънавий жасоратнинг машаққати шундаки, атрофдагилар нуктаи назарини ўзгартириш лозим. Минбарларда чиройли гапириш, одамларга яхши кўриниш учун камчиликларни пеш қилиш жасорат эмас. Маънавий жасоратнинг ҳазм бўлиши оғир кечади. Маънавий жасоратда тушунтириш эмас, ишонтириш мумкин.

Энди келинг, ҳеч бўлмаганда ҳаётимизнинг кейинги 4-5 йилни бир таҳлил қилиб кўрайлик. Майли, ҳамма эмас, ҳеч бўлмаганда шу масалада йиллаб изтироб чекканлар айтсин. Сал олдинроқ улар гарчи 10-15 йилдан бери Ўзбекистонда яшаса-да шу давлат уй-жой, имтиёзга эришган, деган даъвогар йўқ. Японияда ҳеч ким бир-бирига баланд овозда гапирмайди. Немислар вақтни бехудага сарфламайди. Буни чинакам халқ

# МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ

жамият эврилишининг биринчи шарт

мораторий эълон қилиниши осон деб ўйлайсизми? Йиллар давомида кўплаб карчалон ва назоратчилар улар ҳисобидан яшаб келганлар. Табиийки, улар бу сиёсатга жон-жаҳди билан қарши турди, турли баҳоналар топди. Аммо мана, шу ҳолатга эришдик-ку! Бу маънавий жасорат эмасми? Анжуманда, матбуот тизимини такомиллаштириш юзасидан фикр айтиб, қувғину тазйиққа учраганлар айтсин, яратилган турли минбарлардан халқ ўз сўзини айта олиши ҳаёлимизга келганми? Бугун ижтимоий тармоқларда "Ўзбекистонда демократия йўқ" деб уввос солаётганлар, айнан демократия, сўз эркинлиги, ошкоралик туфайли "уввос" солишмаяптими? Халқимиз доно – бу гапларнинг сарасини саракка, пучагини пучакка ажратиб олади.

Таълимдаги қонунбузилишлар, порахўрлик, адолатсизлик эсимиздан чиқяпти шекилли. Қанчалаб илмга ташна, завқоватли ўғил-қизларимиз азият чекди. Ота-онанинг тизимга ишончи йўқолганди. Шундай пайтда давлат раҳбари аввало, академиклар дуосини олди. Болалар боғчалари, мактаблар, касб-хунар мактаблари, олий ўқув юртига кўл урди. Эҳ-ҳе, бу ҳаракатга қарши бўлганлар, тўқсинлик қилмоқчи бўлган, ишонмаганлар қанча эди. Бундайлар ҳозир ҳам топилади. Яқиндагина пенсия пулини ололмай сарсон қариялар бугун пенсиясини уйда ўтириб нақд пулда олаётганидан кўз юмиб бўладими? Нақд пул олишда, валога алмаштиришда бирорта ҳам ариза тушмаганига нима дейсиз? Биз оғир қулларни унутадиган

халқ эмасми, шукронаси бор халқми. Ахир бу катта жасорат, машаққатли меҳнат, ташвишли онлар самараси эмасми? Йиллар давомида шаклланган тўрачилик, коррупцион ҳолатларга барҳам бериш осон кечмаяпти. Аммо очкилик сиёсати қамрови кенгайиб бормоқда. Осон эмас, деганимнинг сабаби шуки, эски кўникмадан воз кечиш, бировнинг ҳисобидан кун кўришдан мусово бўлиш жуда қаттиқ ботади. Шу сабабли ҳар бир тизимда муаммолар пайдар-пай, босқичма-босқич ҳал қилиб борилмоқда. Мана-ман деган давлатлар ҳам бу босқични ўз бошидан ўтказган. Минг афсуски, бу жараёнлар бизда дунё миқёсида мураккаб вазият давом этаётган пайтга тўғри келди. Айниқса, пандемия кучли, ривожланган давлатларни ҳам катта синовдан ўтказмоқда. Минг шукрай, Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан халқ эътиборига ҳавола этилган ва маъқулланган Ҳаракатлар стратегияси бугун чинакам ҳаётий режа эканини исботлади. Оқил, ўз турмушига теран назар сола оладиган киши ҳаётимиз кундан-кунга яхшиланиб бораётганини сезади, англайди. Маънавий жасоратнинг томири маънавий комилликда. Маънавий комилликнинг ифодаси эса ўз халқи, Ватанини севиш, ҳурмат қилиш, қадрлаш, эл гами йўлида фидойи бўлишда. Жасоратнинг кадри одамларнинг бугунги сиёсатга ишончидир. Бу ишонч бизда шаклланган. Демак, оқил сарбон бошқарган карвон собитқадамлик билан илгари бораверади. Фармон ТОШЕВ.

# Кенгашга ҳисобдорлик масъулияти

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

## НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ВА АДЛИЯ

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи С.Нуриевнинг вилоятда норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборотида қайд этилишича, йил бошидан буён бошқарма томонидан вилоят ҳокимлигининг 13 та, туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимликларининг 33 та норматив-ҳуқуқий тусга эга қарор лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, уларнинг 43 тасига ижобий ҳулосалар берилган, 3 таси белгиланган талабларга жавоб бермаганлиги учун қайтарилган.

Норма ижодкорлиги соҳасида туман (шаҳар) адлия бўлимлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан доимий ҳамкорлик ўрнатилган бўлишига қарамастан Жомбой, Булунғур, Ургут туманлари ҳамда Самарқанд шаҳар ҳокимликларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти ўрғинилганда, мазкур ҳокимликлар томонидан 93 та хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида 5 та тақдимнома киритилиб, 15 та қарор ва фармойишлар бекор қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 июнь куни қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига "Е-raqor" электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, эндиликда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон — "Е-raqor"

тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш тартиби белгиланди – деди С.Нуриев. – Мазкур тартиб билан маҳаллий ҳокимликлар томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай қарор ва фармойишлар электрон шаклда қабул қилинмоқда. Бу эса норма ижодкорларидан алоҳида масъулият ва билим талаб этади. Шунинг учун маҳаллий ҳокимликлардаги норма ижодкорлиги билан шуғулланадиган масъул ходимларнинг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйса мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Ҳисобот даврида давлат органлари ва ташкилотлари иш фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилаётганлиги юзасидан 472 марта назорат тадбирлари, хусусан ўрганиш ва мониторинглар ўтказилди. Ушбу тадбирларда 81 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Қонун ҳужжатларининг нотўғри қўлланилиши билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатларининг 8974 таси Нарпай туманида, 8234 таси Самарқанд туманида, 7512 таси Ургутда, 4684 таси Самарқанд шаҳрида кузатилган.

Депутатлар ахборот юзасидан ўз фикрларини билдириб, норма ижодкорлиги соҳасида адлия органлари маҳаллий ҳокимликлар, давлат ташкилотларига яқиндан ёрдам бериши зарурлигини қайд этди.

## ПРОКУРАТУРА – ТАДБИРКОРЛАР ҲИМОЯСИ

Сессияда вилоят прокурори Р.Машариповнинг вилоятда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижроси, берилган имтиёз ва преференциялар қўлланилишининг қонунийлиги ҳамда аҳоли са-

ломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирлар, ҳужжатлар ижроси юзасидан прокурор назорати тўғрисидаги ҳисоботи ҳам эшитилди.

Вилоят прокурорининг таъкидлашича, биргина жорий йилнинг биринчи ярмида прокуратура ходимлари томонидан 681 нафар тадбиркорга кредит, ер, бино ажратиш, коммуникация тармоқларига улаиш, лицензия ва рухсатнома расмийлаштириш ҳамда бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатилди. Прокурорлар ёрдами билан 424 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 150 тасининг фаолияти қайта тикланди ва 1467 та янги иш ўринлари яратилиши таъминланди.

Бу борада ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра 14 та тақдимнома киритилиб, 8 та протестлар келтирилди, 13 нафар мансабдор шахслар маъмурий ҳама интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлар манфаатларини қўллаб-қувватлаш бўйича 1 миллиард 185 миллион сўм ундириш тўғрисида даъво аризалар киритилди. Кўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилган, 17 нафар тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланган.

Тадбиркорларга нисбатан жиноят иши қўзғатишдан олдин вилоят прокурорининг ҳулосасини олиш тартиби жорий этилиши натижасида вилоятда турли органлар томонидан 47 нафар тадбиркорга жиноят иши қўзғатилишининг олди олинди.

Р.Машарипов вилоятда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишлари назорат тадбирлари орқали ўрганилганда 2019-2020 йиллар ва 2021 йилнинг 6 ойи давомида 59 минг нафарга яқин болалар

тиббий кўриқдан ўтказилмаганлиги, 51 минг нафар бола соғломлаштирилмаганлиги аниқланганини афсус билан қайд этди.

Вилоятда наслий касалликлар ҳамда ногиронлик билан туғилгандаги чақалоқлар туғилишини олдини олиш борасида самарали ишлар ташкил қилинмаётганлиги оқибада болаликдан ногиронлиги бўлган болалар сони йилдан-йилга ошиб борган. Хусусан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатида вилоятда 16 ёшгача бўлган 13476 нафар ногиронлиги бўлган болалар ҳисобга олинган.

Сессияда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши ва қайтарилиши устидан олиб борилаётган мониторинг ишлари бўйича Марказий банк вилоят бошқармаси бошлиғи О.Тўхтаев ҳамда масъул банклар раҳбарларининг ҳисоботи кўриб чиқилди. Депутатлар ушбу масалани кейинги сессияларда батафсил муҳокама қилиш зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, депутатлар юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш мuddатини кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш), вилоят бош архитекторининг Самарқанд шаҳридаги "Университет хиёбони"ни ободонлаштириш, батафсил режалаштириш лойиҳасини тасдиқлаш, бўш турган давлат мулки объектларини "Е-IJRO АУКСИОН" электрон савдо майдончаси орқали аукцион савдоларига чиқариш, вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқиш, тегишли қарорлар қабул қилдилар.

# Кўмир табиий газдан арзон тушади

Президентимизнинг 2020 йил 10 июндаги "Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодий тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2020-2022 йилларда иқтисодий тармоқларига 3,3 миллиард кВт/соат электр энергияси, 2,6 миллиард

куб/метр табиий газ ва 16,5 минг тонна нефть маҳсулотларини тежашни назарда tutувчи ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли параметрлари тасдиқланган. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги 19 та пишиқ ва безак ёғиш ишлаб чиқарувчи корхоналар, 37 та гипс, 17 та оҳак ишлаб чиқарувчи цех, 4 та цемент завод ва 131 та иссиқхона-ини 2021-2022 йилларда муқобил

ёқилғи турларидан фойдаланишга ўтказиш чора-тадбирлари дастурлари ишлаб чиқилди. Қайд этилган объектларни муқобил ёқилғига ўтказиш натижасида 97 миллион 700 минг метр/куб табиий газ тежалади. Ўтган давр мобайнида вилоятда 41 та ёғиш ишлаб чиқариш корхонаси муқобил ёқилғи (кўмир) га мослаштирилди. Натижасида 40 миллион метр/куб табиий газ тежалади.

Масалан, олдин табиий газда ишлаган ёғиш ишлаб чиқариш корхоналари 1000 донга ёғиш ишлаб чиқариш учун ўртача 0,400 минг метр/кубдан 0,480 минг метр/кубгача, 0,400 минг сўмдан 0,480 минг сўмлик (1 метр/куб табиий газ 1000 сўм) табиий газ сарфлаган бўлса, кўмир ёқилғисига ўтгач натижасида 1000 донга ёғиш ишлаб чиқариш учун 200 килограмдан 300 килограмгача, 0,170 мингдан

0,255 минг сўмликгача кўмир ёқилғиси ишлатилди. Яъни, тадбиркорлик субъектлари кўмир ёқилғисидан фойдаланса, 1000 донга ёғиш ишлаб чиқариш учун табиий газга нисбатан 42-53 фоиз иқтисод қилинишига эришади. Бу эса корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлайди.

**Икром МАХСУМОВ,**  
"Ўзнефгазиспекция"  
вилоят бўлими бошлиғи.

**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!**  
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сонли қарорига асосан "Е-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича**

# САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Т/р	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Бошланғич нархи (сўм)	Умумий ер майдони (га.)	Қурилиш ости майдони (кв.м.)	Савдо санаси	Ариза беришнинг охири муддати
1	Каттакўрғон ШЭТК филиали маъмурий биноси	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси	Каттакўрғон шаҳри Ғариб Мачит МФЙ	225 723 400,0	0,12	232,82	30.08.2021 й.	28.08.2021 й.
2.	ОЭБ биноси (Тўсинсой (литер А, А1, А2, Б, Г)	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси	Пайариқ тумани Ғаллакор МФЙ	154 088 000,0	0,12	245,62	30.08.2021 й.	28.08.2021 й.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосан "Е-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида аукционга чиқарилган Самарқанд вилоятида жойлашган қуйидаги жамиятлар бўйича**

# САВДОЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

Т/р	Жамият номи	Юридик манзили	Устав капитали (млн. сўм)	Жамият устав фондидаги сотиладиган давлат улуши (фоиз)	Сотиладиган улушнинг нархи (минг сўм)	Савдо санаси	Аризалар беришнинг охири муддати
1.	"Каттакўрғон шаҳар стоматология поликленикаси" МЧЖ	Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳри, Ғофур Ғулум кўчаси, 1-уй	578,7	100,0	3 499 716,1	30.08.2021 й.	28.08.2021 й.
2.	"Тойлоқ туман стоматология поликлиникаси" МЧЖ	Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани, Ибн Сино кўчаси 10-уй	4,1	100,0	4 100,0	30.08.2021 й.	28.08.2021 й.

**Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:**  
Ушбу объектларни "Е-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин "e-auksion.uz" сайтыда қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин. Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

**Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:**  
Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар

"e-auksion.uz" сайтыда яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига кўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради. Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатлари аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим. Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилган, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш

учун ариза бериш сайтда кўрсатилган муддатда тўхтатилади.  
**Аукцион жараёни:**  
Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтыда махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади. Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади). Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади. Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўралади бошланади. Агар,

таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади. Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчиға ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади. Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.  
**Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил:** Самарқанд шаҳри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.  
**Маълумот учун телефонлар:** 66-233-73-54, 91-537-32-12  
**Факс:** 66-233-73-54  
**"Facebook" даги расмий саҳифа:** Sam Dav Aktiv  
**Веб-саҳифа:** privatization.davaktiv.uz  
**Интернет тармоғидаги веб-сайт:** samarqand@davaktiv.uz

**«SXF» компанияси томонидан Ургут шаҳри Навоий шохқўчасида (мўлжал: собиқ ИИБ биноси) "So'y bo'yi" номли, 9 қаватли, кўп хонадонли уйлар мажмуаси қурилиши бошланади.**  
Мазкур уйларни харид қилишнинг афзалликлари:  
1) Олдиндан тўловнинг энг кам миқдори - 15 фоиз;  
2) Уйлар банк томонидан 20 йилга кредит асосида берилади.  
3) Хонадонлар тайёр таъмирланган ҳолда топширилади;  
4) Агар сизда субсидия олиш имкони бўлса, дастлабки тўловнинг 10 фоизи давлат томонидан қайтариб бермаслик шарти билан тўлаб берилади.  
**Мурожаат учун телефон:** 97-915-11-10, 97-910-99-93, 97-611-12-17.



**Шунингдек, «SXF» компанияси томонидан Оқдарё тумани Даҳбед шаҳарчасида 5 қаватли уйларнинг қурилиши бошланади.**  
Бу уйлардан харид қилсангиз, қуйидаги афзалликларга эга бўласиз:  
1) Бошланғич тўлов 15 фоиз;  
2) Қолган сумма 20 йил давомида банк томонидан кредит қилиб берилади.  
3) Уйлар тайёр таъмирланган ҳолда топширилади.  
Шошилинг, уйлар сони чекланган миқдорда давлат буюртмаси асосида қуриломоқда. Мазкур мажмуа яшаш учун барча қулайликлар, маиший хизмат уйлари, савдо нуқталари, мактаб ва боғчаларни ўз ичига олган.  
**Мурожаат учун телефон:** 95-364-11-11.

## ИЖАРАГА ЖОЙ КЕРАКМИ?

**Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси Самарқанд вилояти бўйича қуйидаги объектлар ижарага берилишини маълум қилади**

Т/р	Балансда сақловчининг номи	Ижарага берилаётган майдон (кв.м.)	Фойдаланиш мақсади	Ижарага берилаётган объект манзили
1	Паст Дарғом туман халқ таълими бўлимига қарашли 42-умумий ўрта таълим мактаби	150	Олий ва ўрта-махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Паст Дарғом тумани Қуйи Дарғом МФЙ
2	Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги	78	Чакана савдо	Каттакўрғон шаҳри Алишер Навоий кўчаси, 193-уй
3	Самарқанд вилоят "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхонаси	10000	Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (шебен, клиент)	Нарпай тумани Гулистон МФЙ
4	Пайариқ туман тиббиёт бирлашмаси	300	Соғлиқни сақлаш	Пайариқ тумани Ғаллакор МФЙ, 2-сектор
5	Пайариқ туман тиббиёт бирлашмаси	210	Соғлиқни сақлаш	Пайариқ тумани Накурт МФЙ, 2-сектор
6	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти	65	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ишлари учун	Самарқанд шаҳри Лолазор кўчаси, 70-уй
7	Самарқанд шаҳридаги касб хунарга ўқитиш маркази	7,8	Хусусий ташкилотларга офис (идора)	Самарқанд шаҳри Спитамен кўчаси, 264-"А" уй
8	Давлат кадастрлари палатаси Самарқанд вилояти бошқармаси	339,98	Ишлаб чиқариш (мебель ва акфадан эшик ромлар ясаш)	Тойлоқ тумани Чароғбон МФЙ, Тойлоқ кўчаси, 14-уй
9	Пайариқ тумани маданият бўлими	40	Олий ва ўрта-махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Пайариқ тумани Тўполос МФЙ
10	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти	8	Чакана савдо	Самарқанд шаҳри Лолазор кўчаси, 70-уй
11	Булунгур туман халқ таълими бўлимига қарашли 35-сонли умумий ўрта таълим мактаби	21	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	Булунгур тумани Эрганакли МФЙ
12	Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли 91-умумий ўрта таълим мактаби	120	Олий ва ўрта-махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Ургут тумани Узун маҳалласи
<b>Жами</b>		<b>11339,78</b>		

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:**  
Самарқанд шаҳри Спитамен шохқўчаси, 157-"А" уй. Тел/факс: 66-233-23-52.

## АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Самарқанд вилояти "Агрокимёхимия" ҳудудий акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 14 август куни соат 11:00 да жамият маъмурий биносининг мажлис залда ўтказилади.**  
**Акциядорлар реестри ёпилган сана:** 2021 йил 23 июль ва 2021 йил 11 август;  
**Реестр ёпиш учун асос:** Жамият қузатув кенгашининг 2021 йил 23 июлдаги 77-сонли йиғилиш баённомаси қарори.  
**Йиғилиш кун тартибда кўриладиган масалалар:**  
1. Самарқанд вилояти "Агрокимёхимия" АЖНИ тугатиш тўғрисида.  
**Эслатма:** Акциядорлардан ўзларига тегишли бўлган акция сертификатлари, вакиллар нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома ҳамда шахсларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан келишлари сўралади. Акциядорларни рўйхатга олиш 2021 йил 14 август куни соат 10:00 дан бошланади.  
**Манзил:** Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 153-уй. Маълумот учун телефонлар: 66-221-70-65, 221-74-05.  
**ЖАМИЯТ ҚУЗАТУВ КЕНГАШИ.**

## УМУМИЙ ЙИГИЛИШ ЎТКАЗИЛАДИ!

**"Agalyk Lohmann Parranda" акциядорлик жамияти (СТИР: 200972645) акциядорларининг умумий йиғилиши 2021 йил 13 август куни соат 10:00 да Самарқанд тумани Илонсой кўрғонида бўлиб ўтади. КҮН ТАРТИБИДА:**  
"Agalyk Lohmann Parranda" акциядорлик жамиятининг банкротлиги тўғрисида.  
**Акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, вакиллар эса нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.**

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасида марҳум Садиқова Рашида Абдулхаконна (2019 йил 27 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Эралиев Шакарбай Исаковичга (2019 йил 15 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Тошпулатов Юсупга (1976 йил 8 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 73-уй.**

Булунгур шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсупович нотариал идорасида марҳум Юлдашев Турсункулга (2010 йил 26 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамаюсупович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Булунгур шаҳри Мустақиллик майдони.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Тавакуллов Собир Дадашевичга (2018 йил 6 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасида марҳум Хамракулов Нарзикул Жабборовичга (2019 йил 29 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадириев Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Исқандаров Ахрорга (2006 йил 5 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадириев Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Ибрагимов Султанга (2019 йил 13 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат

билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Уммотова Саломат Қосимовнага (2018 йил 11 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносиди.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасида марҳум Курбанов Борот Исанбаевичга (2020 йил 17 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 76-уй.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Исроилов Рустамжон Махаммадуловичга (2020 йил 17 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 73-уй.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарход Жўракулович

вич нотариал идорасида марҳум Дустанов Ахматга (2020 йил 26 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 76-уй.**

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Оқдарё туманидаги 11-ўрта мактабдан 1991 йилда Абдураҳмонова Гулираёна Абдуманнонова номига берилган А № 370619 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
**Пайариқ туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Абдураҳмонова Нигора Тошмуродовна номига берилган О' R-SH № 0368902 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.**

Тойлоқ маиший хизмат касб-хунар коллежидан 2012 йилда Жабборовна Меҳрибон Нажмиддин қизи номига берилган рўйхат рақами 99, К № 2507217 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Ғаниев Хўсниддин Бахриддинович номига берилган О' R-SH № 0799908 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Алтибоев Нарзулла Саллибаевич номига берилган О' R-SH № 0370322 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Мухаммадиева Лола Махму-

довна номига берилган О' R-I № 0794836 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 1995 йилда Раҳманова Замира Урақовна номига берилган рўйхат рақами 240, № 059187 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 47-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Ганиев Фаридун Самиевич номига берилган О' R-SH № 1690170 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**АНИКЛИК КИРИТИЛАДИ**  
«Зарафшон» газетасининг 2021 йил 28 июль 83-сон 3-саҳифасида «Тендер савдолари ўтказилади» сарлавҳаси остида «Қишлоқ инжирилиш инвест» масъулият чекланган жамияти инжирилиш компанияси 2021 йилда Осий тарвақиёт банки иштирокида қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиш учун пулдар ташкилотларини танлаш оқосидан тендер савдолари ўтказилиши ҳақида эълон берилганди. Эълондаги қўрилган сони 300 та ва хонадонлар сони 15 та деб ўқилсин.  
**Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш Самарқанд вилояти консалтинг маркази.**

Ўзбекистон Ёзувчилар ва журналистлар уюшмалари вилоят бўлимилари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, фахрий ҳуқуқшунос  
**Исматулла ЙЎЛДОШЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Бир гуруҳ ҳамкасблари ва шогирдлари Мамаюсуф Шодмоновга турмуш ўртоғи  
**Муҳаббат ая ШОДМОНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ВАҚТИНИ ТЕЛЕФОНГА САРФЛАГАНЛАРНИ КИТОБ ЎҚИГАН БОШҚАРАДИ

Мустақиллик – улугъ неъмат. Унга эришиш, сақлаб қолиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бугун биз истиқлол йўлида фидойилик кўрсатган юртдошларимизнинг меҳнатидан баҳраманд бўлиб улғаймоқдамиз. Биз бу ишлар учун улардан қарздормиз. Бу қарзни узиш учун келажакка озод ва обод диёрни қолдиришимиз лозим.

ТАСАВВУР

Хар бир инсон бугун тинч-осойишта Ватанда яшаб турибди ва унинг қадрини билиши керак. Бунинг учун унинг биринчи тасаввури – кимлигини англаши лозим. Бунда олдинги даврни тасаввур қила олиши лозим. Бизнинг халқимиз 100 йил олдин, 50 йил олдин қандай яшаган? Мустақилликнинг биринчи йилларида қандай ахволда кун кечирган? Бугун ўтмишдан фарқли ўлароқ қандай яшайман, деган саволни ўзига бериши керак. Шундагина эришилган ютуқлар, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етамиз.

Иккинчи тасаввур – бугунги кунга ўз-ўзидан эришилмагани, машаққатлар, синовли дамларни одамлар бошидан кечирганлигини англашдир. Яна шу Ватан тинчлиги, элимнинг фаровонлиги учун нима қила олишим мумкин, деган саволни хар бир киши ўзига бериши лозим. Ёшларимиз ҳам "Мен бугун нимани истайман дегандан кўра, мен нима қила олишим мумкин?", деган савол билан яшаши керак. Чунки яхши яшаш учун имкониятлар бор, фақат бунинг учун интилиш, меҳнат қилиш зарур. Хар бир инсонда, айниқса ёшларда қўлимдан нима келади, уни такомиллаштириш учун яна нималар қилишим мумкин, деган саволга жавоб бўлса, бас.

Учинчи тасаввур – хар бир ёшда бугун ва келажакда нима қила олам, деган саволга аниқ жавоб ва унга эришиш учун дастур бўлиши керак. Инсонда аниқ мақсад ва холис ният бўлмаса, кунлар ўтаверади. Вақт – дўст, қачонки уни қадрласангиз, ундан фойдалансангиз. У шафқатсиз, агар уни бесамар, бекорчилик билан ўтказсангиз.

Вақт - катта имконият, агар тўғри режалаштириб, унинг хар бир дақиқасидан самарали фойдалансангиз бир йилда, ўн йилда эришилмаган натижаларни қўлга киритишингиз мумкин.

“ЁШЛАР БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ”

Бу гап хар бир кишининг кундалик шиорига айланган. Лекин буни ким қандай тушунади – бу катта муаммо. Кўп тақдорланадиган гапнинг қадри тушиб, эътибор берилмай қолар экан. Бир кунги ёшлар билан учрашганда "Ёшлар бизнинг келажакимиз, деймиз, буни қандай тушунасанлар?" деб савол бердим. Ҳама турлича фикрда, англаган ҳам, тушунмаган ҳам кўп.

Бугун барча имкониятлар ёшларни билимли ва малакали этиб тарбиялашга қаратилган. Шу тўғрисида, том маънода "Ёшлар бизнинг келажакимиз" бўлганлиги учун ҳамма эътибор шу ёшларга қаратилган. Ёшларимиз ҳам шунга мос равишда лаббай деб жавоб бериши лозим. Шу масъулиятни хис қилганлар яшашнинг ҳам мазмунига тушунади.

ЯШАШНИНГ МАЗМУНИ...

Айрим тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ёшларимиз пандемияга қадар бир суткада 2-2,5 соат вақтини кераксиз, айрим ҳолларда зарарли ахборотлар учун ижтимоий тармоқларда ўтказиб, бесамар сарфлар экан. Пандемия



шароитида бу кўрсаткич 6-7 соатга етганлиги қайд қилинмоқда. Келажакда вақтини телефонга сарфлаган 10 та ёшни бугун ўша вақтини китобга сарфлаган бир киши бошқаради. Инсонларни бошқариш, бирор нарса яратиш учун билим керак. Билимни ижтимоий тармоқлар эмас, китоб беради. Ижтимоий тармоқлар албатта, жуда катта ахборот манбаи, аммо одамда билим етарли бўлмаса, ушбу ахборотлардан фойда йўқ. Агар инсонда бир нарсани ўрганишга бугун иштиёқ уйғонса, бу ҳам Аллоҳнинг инояти. Бироқ буни амалга ошириш учун машаққатли меҳнат талаб қилинади. Асло чўчиман, бундан қайтман. Машаққатли меҳнат вақтинча. Агар ўрганмасдан, билимсиз қолсангиз машаққатли меҳнат бутун умрингиз давомида сиз билан бирга қолади. Меҳнат қилмасдан яшаган инсон икки дунё саода-

тидан ҳам маҳрум бўлади. Авваллари бир неча кунда бажарилган юмушлар ҳозир бир лаҳзада ҳал бўлмоқда. Бундай тезлашиш хар бир инсондан жуда катта илмий салоҳият талаб қилади. Энди илмсиз яшашнинг ўзи мураккаб. Энди ёшларимиз "фақат диплом олиш" учун эмас, балки илм эгаллаш учун ўқийдиган бўлди. Бу жараён ҳам инсон ҳаётининг мазмунини ўзгартириб, унга бошқача кўз билан қарашга ундамоқда. Буларни тўғри англаш учун юксак масъулиятни хис қиладиган инсонлар шаклланиши керак.

МАСЪУЛИЯТ ...

Ўзини билган киши ота-онани қадрлайди, ота-онани қадрлаган инсондан ёмонлик чиқмайди. Ёмонлик бўлмаган жойда хотир-жамлик ва тараққиёт бўлади. Иккинчидан, Ватан, жамият олдидаги масъулият ҳам инсоннинг ҳаёт мазмунига айланishi керак.

Истеъдодли ёшларимиз катта ишонч ва умид билан давлат ҳисобидан хорижий мамлакатларда ўқитилди. Бироқ уларнинг кўпчилиги хорижий олий ўқув юртлири битирган, ўша мамлакатларда қолиб кетди. Азиз замондош, асл ватанпарвар инсон қаерда яхши бўлса, ўша ерда яшайман демай-

ди, балки шу яхши нарсаларни ўз мамлакатимда ҳам қилишим, шу ишларни ўз юртимда амалга оширишим керак, деган туйғу билан яшайди. Айримларимизда бундай туйғунинг йўқлиги ҳам ёшларимиз тафаккуридаги "жароҳат", деб баҳолаш мумкин. Ҳақиқий иймонли, эътиқодли, виждони бор инсон биринчи галда ўз юртининг равнақи учун курашади ва шунинг учун меҳнат қилади. Сени ўстирган, сени асраган, сени ўқитган Ватанга жавоб шими? Биродарлар, қарзингизни "қутилиб" қўйинг. Афсуски, агар сиз фақат ўзингизни ўйлаб яшасангиз, Ватан олдидаги, миллат олдидаги қарзингиздан ҳеч қачон қутилмайсиз.

Мамаюнус ПАРДАЕВ, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2014 йил, август

Ургут туманида янги истироҳат боғи фойдаланишга топширилди.

сентябрь

Жомбой туманидаги «Жомбой жавоҳири» корхонаси қошида гипс ишлаб чиқариш заводи фаолият бошлади.

Ургут туманидаги «ALFA MAX ALLIANCE» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида пайпоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

октябрь

2-3 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгазининг 99-сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Самарқанд шаҳридаги «Эл-Холдинг» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида юк кўтариш қуввати 650 килограмм, уч литр ёнилги билан 100 километр йўл босадиган мотоцикллар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Вилоят пахтакорлари 91,5 минг гектар ердан 230,2 минг тоннадан ортиқ ҳосил олди.

ноябрь

Паст Дарғом туманидаги «Кимёгарлар» маҳалласида хўжалик совунлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

декабрь

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. Сайловларда вилоятимиздан рўйхатга олинган 2 миллион 290 минг 802 нафар сайловчидан 2 миллион 70 минг 883 нафари (90,4 фоиз) иштирок этди.

Покиза қалб эгаси, азиз қадрдонимиз мунгайибгина юради, ёнимизда, ички дардлари, етишмовчилик ташвишларидан пинҳона эзилиб, эмраниб, аммо ғурур, орият сабаб, ҳеч кимга бир оғиз миқ этмайди.

Сўнгги томчи оғу

Ўйлаймизки, озроқ хафа кўринса-да, ҳали у соғ-саломат, бардам-бақувват. Бизни ана шу лоқайдигимиз алдайди, аксарият ҳолларда, яқинимизнинг қалбини англашдан чалғитади, дўстимиз билан чин дилдан, очилиб дардлашишимизга монелик қилади. У эса яна сир бермайди.

Нега биз, ҳамма-ҳаммамиз қалбимиздаги дарду аламларни ишониб тўкиб соладиган дўстни умр бўйи излаймиз, аммо тополмаймиз. Нега? Йўқ, топгандек бўламиз гоҳо, бироқ ўзимиз хоҳлагандек ишониб, ички дардларимизни айтмаймиз, нимадир ҳалақит беради. Нима ўзи? Такаббурлигимизни, манманлигимизни, нима?

Ило, шу «гурс этиб кулашимизни» билишарди кўпгина дўстларимиз. Зимдан кузатишарди, аммо миқ этишмасди. "Хар бутага олов кетса – ўзи ёниб, ўзи ўчар".

Эндиги талваса, афсус-надоматдан нима наф? Жуда кеч! Ахир дўстимиз кечагина тирик эди-ку! Кечагина гаплагандик, бирга овқатлангандик, бугун эса... йўқ! Бир кунда оламдан ўтди, кетди.

Кеча эрталабгина у ёнимизда худди уялаётгандек қимтиниб, хижолатланиб, эмранибгина келганида ана шу юрак дардларини ҳасратлашмоқчи бўлгандир эҳтимол. Аммо кесадек ҳиссиз қалблар бировнинг дард-ҳасратларини қаёқдан сеза олсин?!

Дўстимиз бизга айтмай кетган юрак дардлари нима эди ўзи? Бу дардларни бизга айтишига нима ҳалақит берди? Нима йўл қўймади бизга ички азоб, дардларини ошкора, очик-ойдин айти олишига? Ҳа, шу номаълум сирлиликни у тўла дил ёриб, ичидаги захру заққумни

бирон яқинига тўкиб солганида тирик қолармиди... Ахир заҳарланган одамнинг ҳам ичи обдон тозаланса, тирик қолади-ку?! Аммо айнан шу иш, дўстлар муолажаси унинг тирикчилигида қилинади, ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмади. Ўзига эса ички нимадир йўл қўймади буни айтишга, юрагидаги заққумни тўқолмади ва шу заққум уни оғулаб, бир кунда "олди-ю кетди".

Ичимизни ёқиб, куйдириб юбурвич дарду сирларимизни, ҳуфя, ҳеч ким билмайдиган касалликларимизни ими-жимиди бўлса-да, чин дилдан тўкиб соладиган бежавотир, беҳадик очик айтадиган, ишонадиган, яқдил одамимиз борми ўзи бу дунёда?! Бўлса ким? Қаерда у? Кимнинг, қайси биримизнинг шундай тўла, узил-кесил ишонадиган, садоқатли, дили дилимизга қуюлиб қирадиган, қўшилиб, бирлашиб сингишиб кетадиган одамимиз, чин дўстимиз бор? Бўлса агар болангач, суюкли аёлинига ҳам айтишга ҳадиксийдиган қалб изтиробларингни ҳам унга йилгаб-сиқтаб бўлса-да, мисқолигача айтсангда, ич-ичини бу куйдириб-ёндирувчи оғудан халос қилган одамимиз.

Ило, шу "гурс этиб кулашимизни" билишарди кўпгина дўстларимиз. Зимдан кузатишарди, аммо миқ этишмасди. "Хар бутага олов кетса – ўзи ёниб, ўзи ўчар". Эндиги талваса, афсус-надоматдан нима наф? Жуда кеч! Ахир дўстимиз кечагина тирик эди-ку! Кечагина гаплагандик, бирга овқатлангандик, бугун эса... йўқ! Бир кунда оламдан ўтди, кетди.

Кеча эрталабгина у ёнимизда худди уялаётгандек қимтиниб, хижолатланиб, эмранибгина келганида ана шу юрак дардларини ҳасратлашмоқчи бўлгандир эҳтимол. Аммо кесадек ҳиссиз қалблар бировнинг дард-ҳасратларини қаёқдан сеза олсин?!

Дўстимиз бизга айтмай кетган юрак дардлари нима эди ўзи? Бу дардларни бизга айтишига нима ҳалақит берди? Нима йўл қўймади бизга ички азоб, дардларини ошкора, очик-ойдин айти олишига? Ҳа, шу номаълум сирлиликни у тўла дил ёриб, ичидаги захру заққумни

Муродим УМРЗОҚОВ.

Унутилмас кун

ёки Ҳалима Худойбердиевани ҳайратда қолдирган қишлоқ

Онам дунёнинг бу ёғидан кириб, у ёғидан чиқдим, десалар ҳайрон қолардим. Дунё ўз оти билан дунё бўлса, ахир унга кириб-чиқишнинг ўзи бўладими? Бўларкан. Курсдошим, қадрдон олам, дилкаш шоира Ҳалима Худойбердиева Каттақўрғонга, аниқроғи Бешдарғатга келган ўша шуқудли кунлар ҳали-ҳануз ёдимда.

Барча меҳмоннавозликлардан сўнг Гулжамол Асқарованинг ота ховлисида, очик ҳавода "Оқшом мушоираси" бўлди. Галма-гал шерьлар ўқилди. Ичак узди ҳангомаларни айтмайсизми? Бағрикенг қишлоқ одамлари Ҳалима опани қайта-қайта шеър ўқишга чорлади. Улар шоира шерьларини ном тутиб айтишар, "Беғим сизни табиат", "Оқ олмалар", "Онагинам", "Ҳижрон кунларида", "Кетаман"... Дил сўзларининг, саволларнинг кети узилмас, улар орасида мушоирадан завқланиб ўтиргангача анчадан бери бундай яйраганимиз ҳаёлимдан ўтади. Кези келганда катта-катта тадбирларда, айниқса, мактаб ўқувчилари ва талабаларга махсус саволлар бериб қўйилишини ҳам кўрганмиз, лекин ўша оқшомдаги содда, самимий учрашув эса ҳақиқатан жонли мулоқот эди. Ўзларини қизиқтирган саволларга жўяли жавоблар олган бўлишса ҳам, суҳбат якунига етганлигига қарамай ҳеч кимнинг кетгиси келмасди.

Ёш қаламкашлар гуёки имтиҳон топшираётгандек ўзлари ёзган шерьларини дадил-дадил айтиб беришар, айниқса, Ҳалима опанинг шерьларини ёд олган оналар, хотин-қизлар қаторида йигитлар ҳам борлигини айтмайсизми? «Мен шерьни бунчалик яхши кўрадиган одамларни биринчи кўришим», дедилар Ҳалима опа.

Одамлар кўнгил узолмайди. Уларга меҳмоннинг кўн узюғида анча хориганим, бу ёғда йўл азобини тушунтиргач, Ҳалима опа билан бирин-кетин хайрлашиб, уй-ўйларига тарқалишди. Ва ниҳоят, меҳмонларни эъзозлаб, тахмонлардан тутилмаган янги-янги

кўрпа-ёстиклар тўшалди. Узун уйда бошдан оёқ жой (ўрин) солинган. Тун тонгга уланди. Ўша кеча Ҳалима опа ҳам, мен ҳам чирим қилмадик. Курсдош йигит-қизларни бир-бир эсладик. Суҳбат гоҳ хуш, гоҳ нохуш хабарлар билан давом этарди. Қоп-қора жингалак сочлари ўзига ярашган Сурхондарёнинг Нурмамат Тожбоев (Сашаси)и, қаршилик Маматқул Ражабов, Исмоил, қайинсингилларга аччиқ-аччиқ ўқишга кирган тошкентлик Қомила опа, Роберт Мирсаидов, Махбуба опа, Ақида... Буюкларичи дерсиз? Мангуликда даҳлдор асарларни яратган - Усмон Азим, Эркин Ўззам, Тоғай Мурод, Мухаммадҷон Раҳмон, Нодир Норматов... Уларнинг хар бири бир дунё, ўзгача иқтидор эканлиги ёшлигидан билинарди, ўзгача адабий муҳит бор эди.

Гира-шира тонг отиши билан ҳамма гимирлаб қолди. Тандирларда ёғли патирлар ёпилди. Куйдирилган саримойлар солиниб ширчойлар тайёрланди. Нонуштадан сўнг йўл тадориги кўрилди. Бир оғиз сўз Гулжамолнинг онаизори ҳақида (афсуски, бугун у киши орамизда йўқ). Рисолат она қизим ана шундай эл ардоғидаги кишилар даврасида, номдор шоир, шоиралар билан бирга юрибди, деб сал бўлса ҳам ўзгарса-чи? Йўқ бу онанинг лоақал баландроқ овозда гапирганини, юриш-туриши, бошини кўтариб, тусини ўзгартирганани кўрмадим. Хокисор, камтарлиги бир томон, одамийлигининг ўзи бир томон. Ўзбек аёлининг фазилатларини, унда-ю ибоси ўзида жам қилган она ана шундай оддий ва самимий эди. Ҳалима опа бир чеккада яна келинғизлар, деб қимтинибгина турган

онаизор билан узоқ хайрлашдилар... Ўша кунги яна бир манзара сира кўз ўнгимдан кетмайди. Қайтар чоғимизда Бешдарғатдан чиқадиган тошлоқ йўлининг сўл томонида бир онахон бизнинг машинага қўл кўтарди. Олдинги ўриндикда ўтирган Ҳалима опа ҳайдовчига тўхтатинг, тўхтатинг, дея ишора қилдилар.

Шунда ёши улугроқ онахон қўлидаги оқ тўрвачани ҳайдовчига узатаркан: «Ана шу курутни шоира опага бериб қўйинг, болам. Меҳмонни чойга қақира олмадик. Кечаси билан ўйлаб-ўйлаб шуни топдим. Бир қўртава қилиб ичсинлар», деса бўладими. Ҳалима опа машинадан тушиб, аёлни бағирларига босар экан: «Болаларингиз омон бўлсин», деди, ҳаяжон билан.

Машина силжигач, Гулжамол бу онахон Ҳалима опанинг ашаддий мухлиси эканини, ҳатто шоиранинг ижодидан яхлит-яхлит шерьларни ёд олганини айтиб берди.

Хуллас, Бешдарғат сафари ана шундай эсласа эслагудек таассуротларга бой бўлди. Биз хар гал Ҳалима опа билан кўришганимизда ўша учрашув, ҳаяжонли лаҳзаларни юракдан эслардик.

Дилкаш дўстимиз, оқила ва дилбар аёл, Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима опа Худойбердиева бугун орамизда йўқ. Эл суйган шоира билан Каттақўрғоннинг Бешдарғатида оддий, шеърга ихлосманд аёллари ўртасида ўтган унутилмас кечани ўша аёлларнинг барчаси ҳануз ёдга олишади. Худди шундай, мамлакатимизнинг турли бурчакларига ўзи бўлмаса-да, шерьлари билан кириб борган Ҳалима Худойбердиева чин маънода Халқ шоираси эдилар!

Фазилат АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмчаси аъзоси, шоира, "Дўстлик" ордени соҳибаси.

АВГУСТ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

1 АВГУСТ

Зайнаб ҲАЙДАРОВА – 1951 йилда Нарпай туманида туғилган. Фермер. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, «Дўстлик» ордени соҳибаси.

2 АВГУСТ

Абдурауф БОЛТАЕВ – (1909-1978) - Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.

6 АВГУСТ

Дўстмурод АБДУЛЛАЕВ – 1950 йилда Пахтачи туманида туғилган. Ўзбекистон Қаҳрамони.